

## МАКТУБЛАР АСОСИГА ҚУРИЛГАН ҚИССАЛАРДА АДАБИЙ- ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИННИНГ ИФОДАЛАНИШИ

*Хурида Рахмонова*

*ТошДЎТАЎ катта ўқитувчиси,  
филол. фан. PhD.*

**Аннотация.** Мақолада адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ноанъанавий услубда ёзилган қиссаси таҳлилга тортилган. Қиссалар сюжети мактублар, туйғулар асосига қурилган. Ундади қаҳрамонларнинг ўй-фикрлари, туйғулари психологик метод асосида талқин этилди.

**Калит сўзлар:** мактуб қиссалар, сюжет чизиғи, инсон қалби, хотиралар оқими, сукунат, метафорик ўхшатиш, соғинч образи

Истеъдодли адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Уч қўшиқ” деб номланган қиссаси ноанъанавий услубда ёзилган бўлиб, уч қисмдан иборат. Биринчи қўшиқ “Ҳижроним мингдир менинг”, иккинчи қўшиқ “Мен – сенсиз, сен – менсиз”, учинчи қўшиқ “Тўё рўё” деб номланади. Ёзувчи бу қиссаларни ёзишда ҳам шаклий, ҳам мазмуний, ҳам услубий янгиликка интиланган. Қиссаларнинг ҳар бири ўзига хос бадиий қурилмага эга. Асарда анъанавий қиссаларда мавжуд бўладиган аниқ бир сюжет чизиғи йўқ. “Ҳижроним мингдир менинг”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз” қиссалари ошиқ йигит ва маъшуқанинг мактублари, ихорлари, хотиралари асосига қурилган. Асарда инсон кўнглидаги покиза туйғуларни, унинг нозикликларини тўлалигича очиб беришга уриниш яққол кўзга ташланади. Қаҳрамон кўнглида кечаётган кечинмалар, изтироблар мактуб шаклида фалсафий мулоҳазалар орқали баён қилинган. Қиссанинг сюжети ҳам, композицияси ҳам туйғулар оқими асосига қурилган. Қиссада бош қаҳрамонлар ошиқ йигит ва маъшуқа қиз билан биргаликда соғинч, ҳижрон образлари ҳам етакчилик қилади.

Ўзбек адабиёти насрида, жумладан, қисса ва романларда мактублар, турли ёзишмалар учрайди. Аммо, бундай асарлар тўлиғича мактублар асосига қурилмаган. Мисол учун, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида отанинг фарзандига, ошиқнинг маъшуқага, қизнинг онасига ёзган мактублари мавжуд. Адабиётшунос У.Жўракулов “Ўткан кунлар” романида мактублар жами ўн еттита бўлиб, уларнинг ҳар бири роман дунёсида ўз қонуний ўрнига, бадиий вазифасига эга эканлигини таъкидлайди. Олим романдаги мактубларни

куйидагича тасниф қилади: “а) ошиқ-маъшуқа-рақиб мактублари; б) дўст мактублари; в) ижтимоий-сиёсий мазмундаги мактублар; г) ота мактуби”<sup>1</sup>.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ҳижроним мингдир менинг”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз” қиссаларидаги мактубларни шу йўсинда таснифласак, уларни ошиқ-маъшуқага, маъшуқа-ошиққа битган номалар тарзида ажратишимиз мумкин. Адиб ушбу асарларида инсон кўнглини, унинг муҳаббатга тўла туйғуларини биринчи ўринга қўяди ва инсон қалбидаги ўзгаришлар унинг тафаккурини белгилайди, қалбдаги гўзаллик, муҳаббат ҳақиқий гўзалликдир, деган шарқона хулосани асар моҳиятига сингдиради. Қалб, юрак – инсоннинг ҳақиқий инсонийлигини, одамийлигини кўрсатиб берувчи асосий тушунчадир. Асарда воқелик ҳам қалбдаги ҳис-туйғу, кечинмалар, хотиралар орқали бизга намоён бўлади. Қиссадаги ошиқ йигит дунёни фақат гўзалликларда, оқ рангларда ва оқликдан таралаётган нурда кўради. Дунёга шоирона нигоҳ билан боқади. Адиб китобхонларни ташқи оламдан узиб олиб, кўнгил деган беадад маконга олиб киради ва кўнгилнинг турфа жилоларини, соғинчнинг аламларини, муҳаббатнинг чексиз изтиробларини ҳис қилишни, тушунишни китобхоннинг ҳукмига ҳавола қилади.

Қиссада инсоннинг қалби бевосита бадиий ижод майдони, бадиий таҳлил майдони вазифасини ўтаган. Қалб ўз навбатида туйғуларда намоён бўлади. Туйғулар эса хат орқали изҳор қилинади. “Хат кўнгил кўприги, бу кўприк икки киши учун бунёд этилади, унга шу икки кишидан бўлак ҳеч ким қадам босмайди ва унга бегона назар ҳам тушмаслиги керак. Чунки икки кўнгил тўридаги энг бокира, энг эрка орзу-армонлар ушбу кўприк – мактуб воситасида йўлланади”<sup>2</sup>. Хат нафақат кўнгил изҳори, балки ўзининг туйғуларини, муҳаббатини бегона кўзлардан, бегона назарлардан ҳимоялаш воситаси ҳамдир. Рассом йигит қизга шу даражада кўнгил қўядики, унинг ҳар бир ҳаракатида, хатто сукутида ҳам ўз идеалини кўради. “Айни суҳбатга қўшилишингиз мумкин бўлган дамларда ҳам сукут сақлар эдингиз, шундай пайтда аслзода оилада тарбия кўрган кибор қизлардан бўлса-я деган ўйлар кечар эди хаёлимдан”<sup>3</sup>.

Ёзувчи тасвирда метафорик ўхшатишлардан ўринли фойдаланган. Бу эса матннинг руҳий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Яъни, қизнинг аҳён-аҳёнда бир кулиб, яна ўша заҳоти жиддий тортиши – ярқ этиб ёниб ўчган чироққа ўхшатиш. Адиб яна маъшуканинг ёки қизнинг юзи “дуру жавоҳирларнинг асили”, “илоҳий хилқат”, “чеҳрасидан оппоқ нур таралади” деб тасвирлайди. Айниқса, қиссада кўп ўринларда оқ рангга, оқликка ва ундан таралаётган нурга алоҳида эътибор қаратади. Мактублардан бирига эътиборимизни қаратамиз.

<sup>1</sup> Жўракулов У. Қодирий ва роман тафаккури. – Т.: Nurafshon business, 2020. – Б.85.

<sup>2</sup> Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. – Т.: Шарк, 2011. – Б. 331.

<sup>3</sup> Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. – Т.: Шарк, 2011. – Б. 338.

“Чехрангиздан таралган ойдек нур асирига айландим. Бундайин нурни авайламоқ, кадрламоқ учун эса ўзим бениҳоя покиза, беғубор бўлмоғим шарт, деган қарорга келдим”<sup>4</sup>. Ёки яна бир ўринда “Жозиб нурлар илоҳ назари тушган жисмда жамланади, зеро, оқ-оппоқ нурда фаришталар гўзаллиги мужассам топади. Қалби чароғон ва гўзал инсонларгина ушбу илоҳий нурни аъзои баданларига жо этадилар, шу тариқа мўъжизаларга қодир нур тоза қалб соҳиблари бўлмиш заминий хилқатларнинг муборак баданларида акс этади”<sup>5</sup>. Ошиқ йигит илоҳий нурни, фаришталик тимсолини, зоҳирий ва ботиний гўзалликни маъшуқада кўради. Шу сабабли ўзим ҳам қалбан покланмоғим шарт, деб ҳисоблайди ва шовқинли шаҳардан тоғу тошларга чиқиб кетади. Маъшуканинг ҳам ўз навбатида, ошиққа нисбатан меҳри, муҳаббати, ундаги фазилатларни кадрлай олиши покиза туйғулар асосига йўғрилган. Ердаги муҳаббат самовий муҳаббатга айланган. Ёзувчи ушбу қиссада инсон кўнглини, соғинчни, ҳижронни кашф этишга уринган. Ундаги қаҳрамонлар ёзувчининг хаёлот оламини, эстетик идеалини ифодалаб беради. Бани башар қиссадаги рассом йигит ва қиздек самимий туйғуларга эга бўлса, бир-бирини тушунса, кадрлай билса ҳаёт бунчалар мураккаб, яшаш бунчалар қийин бўлмасди, деган фикрни илгари суради.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ҳижроним – мингдир менинг”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз” қиссалари инсонларнинг ўзаро бир-бирига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати куйланган асардир

Адиб адабиёт майдонида ўз сўзига, ўз услубига эга ижодкордир. Унинг асарлари рамзий тафаккур асосига қурилган. У дунёни ўзига хос тарзда, ўзгача ракурсларда англайди ва англаганларини китобхонга ҳам англантишга уринади. Қиссадаги образларни, ёзувчи ғоясини шартли равишда қуйидаги шаклларида ифодалаш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
2. Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар.– Т.: Шарқ, 2011.
3. Дўстмуҳаммад Х. Ижод кшнгил мунавварлиги. – Т.: Мумтоз сўз, 2011.
4. Жўрақулов У. Қодирий ва роман тафаккури. – Т.: Nurafshon business, 2020.
5. Қуронов Д. Назарий қайдлар. – Т., 2018.

<sup>4</sup> Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар.– Т.: Шарқ, 2011. – Б. 335.

<sup>5</sup> Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар.– Т.: Шарқ, 2011. – Б. 335.